



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 28 июнь, № 136 (7638)

Яқшанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## НАМАНГАННИНГ МЕҲНАТКАШ, ФАОЛ, ИЛМЛИ ХАЛҚИ ЯХШИ ЯШАШГА МУНОСИБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 26-27 июнь кунлари Наманган вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз иштирокида Наманган шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

— Кейинги пайтларда анъанага айлангандек бир-биримиз билан очикча гаплашиб, муаммоларни маҳаллалардан бошлаб туманлар миқёсида ўртага ташласак, шу асосида бир йилга режа қилиб олсак, ўйлайманки, ушбу йиғилишимиздан қўзланган натижага эришамиз. Энг катта мақсад-муддаомиз — одамларни рози қилиш. Шу боис бугун вилоят фаоллари, ҳар бир туман мутасаддилари ўзларининг тақдирларини бериши керак. Келгуси йилга қандай режалар қиламиз, қандай имкониятларимиз бор, бугун шуларни гаплашамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз жойларда утуқлар борлигини, ўзгаришлар бўлаётганини, лекин булар ҳали қўзлаган марраларимизга мос эмаслигини таъкидлади.

— Тўғри гапни гапирган одам — ислохотларга хайрихоҳ. Аччиқ гаплардан тўғри хулосалар чиқариб йўлимизни топиб олишга ҳаракат қилсак, энг катта марраимиз шу бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда эскича тушунчада қолиб кетган раҳбарлар йўқ эмаслиги қайд этилди. Пандемия шароитида юзага келган инқироз пайтида иқтисодий тиклаш жуда оғир масала экани, бу жойлардаги ижро органлари мутасаддиларидан катта масъулият талаб қилиши таъкидланди. Наманган вилоятини ривожлантириш бўйича энг мақбул йўлни топиб, иқтисодийни юргизиш, иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш энг катта масала бўлиб қолаётгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда Наманган вилоятида камбағалликни қисқартириш, таълим муассасалари битирувчиларини касб-хунарга қамраб олиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича ҳозирги аҳвол пухта таҳлил қилиниб, амалга оширилаётган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда вилоятда ўсиш нуқталарини аниқлаш ва ишга солиш, шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Президент бу борада вилоятда ташкил этилиши зарур бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, саноат, кичик ва ўрта бизнес, хунармандчилик, хизмат кўрсатиш соҳалари вилоят иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим драйверлари бўла олади. Ушбу соҳалар бўйича Наманганда кат-

та тажриба бор. Шунга мурофиқ, вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш орқали муҳтож оилаларнинг 12 мингдан ортиқ ишсиз аъзоларини банд қилиш ва йил охирига қадар камбағал оилалар сафидан чиқариш бўйича мутасаддиларга қўрсатмалар берилди. Хусусан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 600 та тадбиркор фаолиятини тиклаш орқали 2 мингта ходим иш жойига қайтди.

Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарлар кесимида вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳалар учун 80 миллиард сўм маблағ ажратилишини қайд этди. Ушбу маблағга қўшимча равишда яна 100 миллиард сўм ажратилди. Карантин шароитида тушуми камайган тадбиркорларни айланиб маблағ билан таъминлашга 2,3 триллион сўм, жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 350 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

Вилоятда заргарлик саноатини ривожлантириш, Наманган шаҳрида 2 йилда 4 мингта янги иш ўрни яратилаётган замонавий заргарлик маркази ташкил этилиши, бу ерда “Устоз — шогирд” тамойили асосида ишсиз юрган ёшларни хунармандчиликка жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

2020-2021 йилларда Чортоқ туманини комплекс ривожлантириш, ҳудуддаги фойдаланилмай ётган 3 минг гектар ерни ўзлаштириш ва тупроқ-иқлим

на гўштни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилади.

Йиғилишда уй-жой ва инфратузилма қурилиши, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, таълим, маданият соҳаларини ривожлантириш, инқирозга қарши халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш, янги корхоналарни барпо этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш, экспортни кенгайтириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Наманган вилояти нуфуси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳудудни демографик бошқариш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қийинчилик туғдиromoқда. Шу муносабат билан Президент Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини қайта ташкил этишни тақдир қилди.

— Наманганнинг фаол, меҳнаткаш, илмли халқи яхши яшашига муносиб. Бунинг учун давлатимиз барча имкониятларни ишга солади, — деди раҳбаримиз Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, иқтисодиёт тармоқлари мутасаддилари, ҳокимлар ҳисоботи эшитилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг рамзий дарвозаларидан бири ҳисобланган Наманган темир йўл вокзалида амалга оширилган қурилиш-реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳларга темир йўл транспорт хизматини кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида вокзалда 24 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Вокзалдаги кутиш заллари, буфет, тиббиёт пункти, она ва бола хонаси, электрон маълумотлар маркази, кутубхона, миллий совғалар, газета-журналлар шохобчаси, юкларни вақтинчалик сақлаш хизмати каби барча бўлимлар замонавий андозаларда ташкил этилди. Бундан ташқари, мажмуага қўшимча равишда ўттиз уч ўринли меҳмонхона қуриб битказилди.

Ушбу ишлар натижасида Наманган темир йўл вокзали замонавий қиёфа касб этиб, бир вақтнинг ўзида 250 нафар, суткасида 2,5 минг нафар йўловчига замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

Вокзал Фарғона водийси халқа темир йўли бўйлаб тезкор электроөзлар қатновидида водий шаҳарлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан транспорт боғланишида муҳим бўлиб хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунига етди.

**М. ЭЛМУРОВОВ,  
З. ЖОНИБЕКОВ,  
А. САТТОРОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

(Давоми 2-бетда).

## БУГУНГИ ЭЪТИБОР ҲАР БИРИМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Президентимизнинг 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табриги демократик ҳуқуқий давлат, очик ва эркин фуқаролик жамияти қуриши, сўз эркинлигини таъминлаш йўлидан бораётган мамлакатимизда ушбу соҳа вакиллари эътиборингизга яна бир яққол ифодаси бўлди.

У ҳар биримизни гоят руҳлантирди. Янада кучли иштиёқ ва шижоат билан меҳнат қилишга ундади. Бунинг уларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

### Дил сўзи

**Ўткирбек МАТҚУРБОНОВ,** Хоразм вилояти телерадиокомпанияси директори, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари:

— Президентимизнинг байрам табриги биз, ижодкорларга кўтаринки кайфият бахш этди. Касбимизга меҳримизни янада оширди. Бугун пандемия туфайли вужудга келган мурак-

каб вазият ҳамда қийинчиликларга қарамастан, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиб бериш, турли маърифий дастурлар орқали ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдек салмоқли вазифаларни бажармоқдамиз. Бунда давлатимиз томонидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ижод аҳли учун зарур шароитлар яратилиб,

тахририятлар янги техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг бундан 60 йил муқаддам қурилган биноси бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолган, ижодкорлар учун етарли шароитлар мавжуд эмас эди.



### Сенатор мушоҳадаси

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида бир қатор долзарб масалалар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилган эди. Шунинг ўзиёқ ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат ҳар қандай жамият ҳаётида нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

## Ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг жамиятдаги ўрни беқиёс

Ахборотда қайд этилгандек, адлия идоралари томонидан ўзларига юқлатилган вазифалар ҳамда Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юқсалтириш тизимини тубдан



### Депутат фикри

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги пандемия шароитида иқтисодийни барқарор ишлашига мослаштириш, аҳолининг яратувчанлик қобилиятини тўғри йўналтириш мамлакатларига катта йўқотишларга дуч келмаслиги мумкин.

## Хавфсиз саяҳат: Ўзбекистонда бу қандай амалга оширилади?

Бу борада Ўзбекистонда ҳам имкониятлар етарлича. Айниқса, туризмни ривожлантириш орқали салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Бу билан нафақат соҳанинг ўзи, балки унга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда ҳам иш жойлари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИНИ СИНАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида фойдаланишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг ягона давлат реестрига (кейинги ўринларда — ягона давлат реестри) киритилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларидан республикада экинларни етиштиришда фойдаланишга рухсат этилади;

импорт қилинадиган ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг агрегатлари ва бутловчи қисмлари учун мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлмаган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат берилишига йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, “Ўзстандарт” агентлигининг 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича олиб келинадиган синов ускуналари ва ўлчаш воситаларини боғжона боғхидан озод қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда синов ускуналари ва ўлчаш воситалари синов лабораторияларини аккредитация, шу жумладан, халқаро аккредитация талаблари асосида жиҳозлаш учун ишлатилади.

4. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларига нисбатан талабларни белгилайдиган

стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин;

2020-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари ва уларни синаш усулларига нисбатан талабларни белгилайдиган зарур стандартларни халқаро талаблар асосида қабул қилиш бўйича тармоқ жадвалини тасдиқласин.

6. “Ўзстандарт” агентлиги икки ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари бўйича тармоқ стандартларининг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги стандарт ҳамда меъёрларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг тури бўйича синов дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлган хусусий ташкилотларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат бериш учун аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин;

хорижий давлатларнинг синов марказлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, уларнинг илгор тажрибаларини республикада босқичма-босқич жорий этиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникаларини халқаро талаблар асосида синаш учун замонавий синаш ускуналари ва ўлчаш воситалари рўйхатини шакллантирсин ва жорий йилнинг якунига қадар уларни харид қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2020 йил 15 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги техникаларини

синаш ва сертификатлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Марказнинг синов лабораториялари халқаро аккредитациядан босқичма-босқич ўтказилишини таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда харид қилинган синаш воситаларининг қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ўқитишда қатнашадиган хорижий мутахассисларни кириш ҳужжатларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қурилиш-лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда Марказнинг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустақамлаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Марказни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда уч ой муддатда ягона давлат реестрига киритилмаган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари, уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини етказиб берганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун, 2021 йилнинг 1 январига қадар ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган техникалар бундан мустасно, жавобгарлиқни белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳисобидан 2020 йил 1 декабрга қадар мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва давлат синовларидан ўтган импорт қилинган ва республикада ишлаб

чиқарилган қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиорация техникаларининг ягона давлат реестри интеграциялашган ахборот тизимини яратсин.

Белгилансинки, ушбу ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг сертификатга эга эканлиги, синовдан ўтганлиги, балансда сақловчи корхона ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилади.

10. “Ўзстандарт” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синови синов шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши ҳамда ягона давлат реестрига киритилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларидан экинларни етиштиришда фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги соҳага тегишли олий таълим муассасалари битирувчи талабаларининг амалиёти қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ҳамда сертификатлаш ишларига интеграция қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 27 июнь

БУГУНГИ ЭЪТИБОР ҲАР БИРИМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Президентимиз Хоразмга таширифи чоғида вилоят телерадиокомпанияси учун янги, замонавий бино қуриш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Қисқа муддатда лойиҳа қиймати қарийб 26 миллиард сўмлик бино ва иншоотлар қад ростлади. Янги бинодаги учта студия, телерадиоаппаратларни ёзиб олиш, монтаж қилиш, эфирга узатиш ҳамда архив хоналари эфир сифати ва ҳажмини оширишга имкон беради. Лойиҳанинг иккинчи босқичи жорий йилга мўлжалланган бўлиб, бунда телерадиокомпаниянинг техник жиҳозларини тўла янгилаш кўзда тутилган.

Бугунги эътибор ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Фаолиятимизда ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда давлатимиз раҳбари табригида таъкидланган, замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб беришга, танқидий таҳлил, одамлар кутаятган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлашга ундайди.

Зиғирхон ХОЖАМУРАТОВА, Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали матбуот котиби:

— Президентимизнинг мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригининг бошимиз осмонга етди. Юртбошимиз табригида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замона талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларига эса биринчи марта ташкил этилган таъкидланган. Чиндан ҳам, мамлакатимизда замонавий ахборот хизмати шаклланишида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори катта аҳамият касб этди. Бу жамиятимизда матбуот котиблиги юксак вазифага айланаётганидан дарак беради.

Бугун матбуот хизмати билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилмоқда. Журналист ва блогерлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, соҳа фао-

лиятини телевидение, радио, газета ва сайтларда доимий равишда ёритиб боришга ҳаракат қилиялмиз. Умуман фаолият юри-таётган ташкилотлар ҳақида энг ишончли маълумотларни бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилган. Бу ишлар матбуот котибларидан юксак бўлиб, салоҳият талаб этиётгани ҳам рост. Шу боис тинимсиз изланишдамиз, мунтазам ўқиб-ўрганиб, тажрибамизни ошириб бораёلمиз. Бугун раҳбарлар матбуот котибларининг ташкилот имижини оширишдаги ўрнини чуқур англаяпти. Зеро, бугун мамлакатимиз очиклик, ошкоралик йўлидан бормоқда. Бу ахборот хизматлари фаолиятининг янада ривожланишини, оммалашини талаб этади.

Диброҳон НАБИЖОНОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси:

— Бу йилги байрам биз, матбуот ва журналистика соҳасининг этагининг энди тутаётган ёшлар учун қўшалок келди, десам, адашмайман. Президентимизнинг соҳа вакилларига йўллага табриги ҳамда унда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Бехбудий номидаги стипендияни таъсис этиш борасида таклиф билдиргани жорий айёмни хотирамизга ўзгача бир мазмун билан муҳрлади. Қалбимизга янада кўтаринкилик улашди. Фуруримизни жўштирди.

Шубҳасизки, соҳага қадам қўйган ҳар бир ёш халқимизнинг озод ва фаровон кунларини орзу қилган, истиқлол, ватанпарварлик, илм-маърифат гоғялари тарғиботида уларни бағишлаган Маҳмудхўжа Бехбудий бобомиздек билимли, шижоатли, ҳасоратли бўлишни, адолат ва ҳақиқат қурашчиси айлана-иштинга истаиди, шунга интилади. Ахир ажодларимизнинг орзу-армонлари рўёбга чиққан бугунги кунда, мустақил Ўзбекистонимизда биз учун барча шарт-шароит яратилган.

Эндиликда ўз устимизда мунтазам ишлашимиз, билим ва салоҳиятимизни бойитиб боришимиз, ҳаётга янада теран назар билан қарашимиз учун яна бир сабаб қаймоқ бўлди. Зеро, Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендияни кўлга киритиш учун, аввало, улғу ажодимизга муносиб бўлишимиз шарт.

«Халқ сўзи».

Хавфсиз саёҳат: Ўзбекистонда бу қандай амалга оширилади?



Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага берилган тоифа сақланган тақдирда, тегишли йил якунига қўра улардан тоифаси учун ундирилган йўл суммасининг 50 фоизи ўзларига қайтарилади. Ушбу имтиёз орқали 29 та тоифага эга меҳмонхонанинг 31 миллиард сўмга яқин маблағи ўз ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

2020 йил 1 августдан бошлаб, рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловлар бекор қилиниб, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги ҳаво эркинлигини назарда тутиб “Очик осмон” режими “Андижон”, “Бухоро” ва “Урганч” халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз аэропортларининг ҳозирдаги ҳолатини янада ошириб, минтақадаги “хаб” аэропортга айланишига замин яратди.

Яна бир жиҳат: бугунгача халқаро парвозлар икки томонлама битим асосида амалга оширилган. Яъни дейлик, “Uzbekistan Airways” АЖ Туркияга иккита авиа-рейсини амалга оширадиган бўлса, улар ҳам шунча миқдорда парвозларни йўлга қўйиши мумкин эди. Эндилик-

да юқоридаги қарор билан бундай чекловлар олиб ташланиб, халқаро авиакомпаниялар “Очик осмон” режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларини амалга ошира олади.

Қарор билан инвесторлар 2023 йил 31 декабрга қадар янги дор йўлларини қуриб фойдаланишга топширса, харажатларининг бир қисми туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жағрамаси ҳисобидан қопланади. Бунда ҳар бир 500 метр йўл учун 1 миллион сўмга маблағ ажратилади. Худди шундай, туристик зона ва қишлоқ жойларга тадбиркорларнинг намунавий лойиҳалари асосида энгил конструктория ўтовлар, контейнерлар, “сендвич-панел”ларни қуриш харажатларининг бир қисми ҳам Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Бунда ҳар бир жой учун 5 миллион сўмга миқдорда маблағ ажратилади.

Маълумотларга қўра, ҳозирги кунда юртимизда сертификатга эга минг нафардан зиёд гидлар фаолият юрилади. “Туризм тўғрисида”ги Қонунда гидларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайта-қайта фолатланган бўлса-да, иш билан бандлик, иш стаж ва пенсия ҳисоби масалалари очик қолаётган эди. Эндиликда, гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-

йўл бошловчилар ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилиши ҳам уларга катта имкониятлар яратади. Хусусан, бу билан соҳага қизиқувчи ёшлар сони, чет тилларини, мамлакатимиз тарихини ўрганишга бўлган талаб ортади.

Ўзбекистонда ҳам нодавлат музей ва галереялар иш бошлайдиган кунлар яқин. Чунки мазкур қарорга асосан, 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадий галереялар ва ҳунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади. Бу, албатта, хизматлар бозорига янги турларнинг пайдо бўлиши ва соғлом рақобатга имкон яратди.

Юртимизга келаётган сайёҳларнинг саломатлигини асраш — долзарб масала. Ана шу мақсадда “Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТ-ЛАНГАН” (“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED”) санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими жорий этилмоқда. Туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш қарантин даврида фақат ушбу тизимнинг хавфсиз объектлари реестрига ки-

ритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади. Туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда тизим мажбурий тартибда жорий этилади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, дунёда биринчи марта Ўзбекистонда янги амалиёт жорий қилинапти. Яъни Ўзбекистон ҳудудидида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга 3 минг АКШ доллари миқдоридида компенсация тўлаб берилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлатимиз раҳбари қарори билан “Андижон” халқаро аэропортига “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” номи берилди. Мамлакатимизнинг бошқа халқаро аэропортлари номлаш учун оммавий танлов эълон қилинади.

Шу билан бирга, қарорда сайёҳларга чегаралардан ўтиш жараёнида максимал қулайликларни назарда тутиб кўплаб янгиликлар кўзда тутилган. Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб “Ғишт-кўприк” ва “Хайрат” халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мавжуд инфратузилма доирасида чегарадан тезкор ўтиш механизми жорий этилади. У пуллик асосда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Айдар-Арнасой қўллар тизими, Тўдақўл қўли ҳудудига туристик зона, Зомин туманида умуммавсумий, қишқи ва ёзги дам олиш масканлари ташкил этилади. “Пиёда туристик маршрут”, “Ўзбекистон — умидли ва шифобахш замин” (“Uzbekistan — hope and healing land”), “Clean&Eco” лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Умуман олганда, мазкур ҳужжатлар тизимни ривожлантириш мисолида бугунгидек мураккаб шароитларда ишлаш кўникмасини шакллантириш, кам ресурс ҳамда маблағ сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш ва бу орқали аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш бўйича яна кўплаб чора-тадбирлар ўрин олган. Уларнинг ижроси тадбиркорларга, аҳолининг кенг қатламларига янги фаолият турлари билан шугулланиш, янги сайёҳлик маршрутларини очиб, “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи”, “Туризм овули” орқали янги иш ўринларини ташкил этишга шароит яратади.

Жамшид ҚОСИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг жамиятдаги ўрни беқиёс



Хусусан, ҳуқуқий саводхонликнинг минимал талаблари тасдиқланиб, вазирлик томонидан интернет тармоғида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ва маданиятини оширишга хизмат қилувчи 5 та ҳуқуқий портал ишлаб чиқилган. Айни чоғда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Мадад” нодавлат ташкилоти ва унинг туман (шаҳар)лардаги ҳудудий бюроларини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинган.

Шуларга мос равишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бирмунча фаоллик сезилди. Масалан, 530 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Буларнинг барчаси яхши. Аммо аҳоли, хусусан, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида кишини ўйга толдирадиган жиҳатлар ҳам борлиги кўзга ташланади. Вазир ахборотида айтаиб ўтилганидек, ҳуқуқий тарғибот соҳасида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган муаммолар ва тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам борки, бу

фарзандларининг эртанги кунини ўйлаган ҳар қандай кишини ташвишга солиши турган гап. Эътибор қилинган, Давлат ва ҳуқуқ асослари фани умумтаълим мактаблари 8 — 11-синфларида ҳафтадига 1 соатдан ўқитилиши белгиланган. Ватан туйғуси, Миллий гоё ва маънавият асослари фанлари ўрнига 5 — 11-синфларда Тарбия фани ҳафтадига 1 соатдан ўқитилиши кўзда тутилган. Наҳотки, шу ҳолатда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мумкин бўлса.

Олий таълим муассасаларида фан соатлари кўпдек қўриниши мумкин, аммо бугунги кун талабаларидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, бу соатлар жудаям кам, назаримизда. Қолаверса, махсус фан бор-йўғи 2-курсда ўқитилар экан, холос.

Яъни мажлисда мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда, жумладан, “Ҳуқуқий аҳолини тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш масаласи илгари сурилди. Бунда фуқаролар дунёқарашда, тафаккурида умуминсоний ва миллий қадриятлар билан уйғунликда ахлоқий мада-

даниятни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий маданиятнинг дастлабки қўринишлари “шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият” тамойили асосида яқдил меъёрлар ҳамда уларни жорий қилиш механизминини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шу билан бирга, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактабларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар, давлат ва ҳуқуқ асослари, тарбия фанларини ўқитишга маҳаллий ижро ҳокимияти, жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (прокуратура, ички ишлар, адлия), солиқ, молия ҳамда бошқа давлат ва нодавлат (нотариат, адвокатлар ва ҳоказолар) таърибали ходимларини жалб қилиш ҳамда бундай амалиётни жорий қилиш бўйича тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Ўз навбатида, аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, доимий равишда энг долзарб, фуқароларни қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган аниқ дастурларда кўрсатилган, замонавий механизмлари жорий этиш йўли билан манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш кераклигига ҳам ургу бе-

рилган. Айтиш жоизки, қарорга қўра, ҳар олти ойда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижаси бўйича тайёрланмаган таҳлилий ахборотлар Вазирлар Маҳкамаси билан бир вақтинг ўзида Олий Мажлис палаталарига ҳам киритиб борилади.

Яна бир мисол: ҳар бир давлат органида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларни янада жонлантириш, ҳуқуқий тарғибот тадбирларидан кўзланган мақсадларга эришиш учун видеоблоглар, видеороликлар тайёрлаш ва инсон психикасига самарали таъсир қилувчи дизайн асосида инфографика, флаер, буклетлар тайёрлаш амалиётини жорий этиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, мазкур қарорда шу масала билан боғлиқ яна қатор гоғялар илгари сурилганки, буларнинг барчаси, пировардида аҳолининг ҳуқуқий билимларини мустақамлашга хизмат қилади. Зеро, биз ҳуқуқий демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бу каби сайёҳаркатларни изчиллик билан давом эттиришимиз аини заруратдир.

Орзиқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БИЗ ва ЖАҲОН

«Халқ сўзи» учун махсус



Ўзбекистон гилоси янада довруқ қозонади

Ўзбекистоннинг Польшадаги элчиси Баҳром Бобоев Европа давлатларига маҳаллий тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ушбу мамлакатнинг "Wamatex", "VIVE Textile Recycling", "ДЕКОМА", "Bakkaland" ва "Ewa Bis" компаниялари раҳбарлари билан учрашди.

Музокаралар давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика тармоқларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва пандемия даврида иқтисодийтни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳамда инвестиция соҳасидаги ҳуқуқий кафолатлар бўйича батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Польша Европа Иттифоқида (Франциядан кейин) Ўзбекистондан товарлар импорти бўйича иккинчи ўринда туради. Шу йилнинг январь — май ойларида ўзбек товарларининг ушбу мамлакатга экспорт ҳажми 2019 йилнинг айна давридагига нисбатан 12 фоиз кўпайди. Бу йил мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бўйича янги саҳифа очилиши кутилмоқда.

Мамлакатимиз элчисининг польшалик ишбилармонлар билан мулоқоти чоғида бир қатор истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Хусусан, Польша яқин келажакда халқаро бозордан тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини кенг жалб қилиши кутилмоқда. Бу, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотларга ҳам талаб ошади дегани. Ўз навбатида, бундай ҳамкорликдан иккала мамлакат ҳам манфаатдор.

Польшалик ишбилармонлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан коронавирус пандемияси даври кийинчиларини юмшатиш мақсадида тадбиркорларга берилган имтиёз ва преференциялар тадбиркорлик субъектлари олдига пайдо бўлаётган муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим омил бўлишини таъкидлади. Айни пайтда улар Ўзбекистоннинг иқлим ва географик жойлашуви афзалликларидан тўлиқ

фойдаланилмапти, деган фикрда. Экспортнинг катта қисми, асосан, қўшни Россия, Қозғистон бозорларига мўлжалланган. Юртимизнинг қўлай табиий шароити хилма-хил ва сифатли мева навларини етиштиришга имкон беришини инobatга олган ҳолда, унинг экспорт географиясини Европа йўналишида кенгайтириш зарурлиги кайд этилди.

Шунингдек, польшалик ишбилармонларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон транспорт хизматлари ва логистика масалаларини ваколатли органлар билан ҳал этиш орқали мева-сабзавот экспорти бўйича минтақада етакчига айланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Европа бозорига гилос етказиб бериш бўйича катта имкониятга эга. Чунки серқўш юртимизда етиштирилаётган экологик тоза, сархил мева-сабзавотлар хорижда ҳам харидорлиг бўлиб, юқори нуфузли брендага — товар белгисига айланмоқда.

Ўзбекистон мева-сабзавот етиштиришдан ташқари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам юқори мавқега эга. Бугун Ўзбекистон ҳамкорлик қилаётган аъёнани ва мамлакат учун янги бозорлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолият географиясини диверсификация қилиш экспорт ҳажминини сезиларли оширишда янги истиқболлар тақдим этади. Айни пайтда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотларини Польшага сотиш ҳамма мамлакатнинг Европа Иттифоқида умумий экспортининг 40 фоизини ташкил қилмоқда.

Учрашувда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида томонлар муҳокама этилган йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга келишиб олдилар.

«Дунё» АА.

Олдинда қилинадиган ишлар кўп

Уларни бажариш учун эса куч ва салоҳият етарли.

Дунё микёсида энг кўп юқлар автомобил, ҳаво ва темир йўллар орқали ташилади. Лекин улар орасида қўлайлиги, ташувчанлик имконияти юқорилиги бўйича темир йўл транспорти алоҳида ажралиб туради. Сўнгги пайтларда халқаро юқ ташувларида темир йўлнинг улуши 75 фоиздан 87 фоизга ошгани фикримиз тасдиғидир. Бу жараёнда, табиийки, локомотивлар, қолаверса, юқ вагонларининг созлиги катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бундай масъулияти ишлар "O'ztemiryo'lmashta'mir" унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Модернизация

Айтиш жоизки, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли мазкур саноат мажмуаси мамлакатимиздаги энг кўна, Марказий Осиёда эса жадал ривожланаётган машинасозлик корхоналаридан бири ҳисобланади. Айни пайтда ушбу йирик саноат мажмуаси таркибига "Андижон механика заводи" ва "Қуюв-механика заводи" шубба

корхоналари қиради. Уларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг умумий сони 4 мингдан ортқ бўлса, шундан қарийб 1500 нафарга яқини "O'ztemiryo'lmashta'mir" унитар корхонасида фаолият олиб боради.

Эътиборлиси, ҳозирги пандемия даврида ҳам бу заводдаги бир маромда ташкил қилинган. Корхонага киришда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиб, ишчи-ҳодимлар тана ҳарорати ўлчаниб, бир марталик тиббий ниқоблар билан таъминланмоқда. Саломатлиги доимий назоратда.

— Бизда тепловозлар, электровозлар, юқ ташувчи вагонлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ба-робарида, тайёр ҳолда



ҳам ишлаб чиқарилади, — дейди "O'ztemiryo'lmashta'mir" унитар корхонаси бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Саҳат Мўхаммадинов. — Корхонамизда 6 та асосий ва 7 та ёрдамчи цех мавжуд. Асосий бюртмачимиз "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятидир. Жорий йилда жамиятга қарашли локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси билан 106 та секция тепловозларини таъмирлаб бериш учун шартномалар тузганмиз.

Бундан ташқари, республика миқёсидаги бошқа йирик саноат корхоналари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Қолаверса, Қозғистон, Тожикистон, Қир-

ғизистон давлатлари билан тепловоз ва уларнинг эҳтиёт қисмларини таъмирлаш бўйича шартномалар тузилган. Бюртмачимиз ўз вақтида бажаришимизда охириги йилларда цехларни 123 та замонавий, ҳар томонлама қўлай дастгоҳлар билан жиҳозлаганимиз қўл келмоқда.

Умумий майдон қарийб 25 гектарни ташкил қилувчи мазкур корхонада сўнгги икки йилда кенг кўламли бунёдкорлик, реконструкция ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Натижада корхонанинг асрлар билан юзлашган бинолари замонавий кўринишга келтирилди. Худуди обод қилинди. Ишчилар ҳордиқ чиқариши

учун шароитлар яратилди. Самара ҳам шунга яраша. Яъни 2018 йилда бир ерда 148 та, 2019 йилда эса 155 та локомотив таъмирдан чиқарилди. Жорий йилги марра янада юқори. Корхонада, шунингдек, локомотив ҳамда юқ вагонларини таъмирлашдан ташқари, йўл хўжалиги учун зарур бўлган бошқа буюмлар, хусусан, резина-техник маҳсулотлар, пўлат изларни қотиришга мўлжалланган эҳтиёт қисмларни тайёрлаш яқши ўзлаштирилган.

Мамлакатимиз оғир саноатида муносиб ўрин эгаллаб келаётган ушбу мажмуада сўнгги йилларда Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилда 10 га яқин, 2019 йилда 10 дан зиёд маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам маҳаллийлаштирилган маҳсулот сони 10 га яқинлашди.

Қисқача айтганда, "O'ztemiryo'lmashta'mir" унитар корхонасида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Рубёга чиқарилган лойиҳалар, жамонинг изланиши натижасида қўллаб ёшлар ишга жалб қилинган. Хали бажарилиши лозим бўлган ишлар, режалар ҳам кам эмас. Улар амалга ошириш турган гап. Чунки корхонада бунинг учун имконияту салоҳият етарли.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ, Мирзо МУРОТОВ.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ИГНА БИЛАН ЁЗИЛГАН АСАР

Самарқандлик Ойгул Маматова уч ой давомида игна билан яратган асари — халқ амалии санъати намунаси бўлган каштасини "Галаба муборак бўлсин!" деб номлади.

Ибрат

Бунда, албатта, рамзий маънолар кўп. Биринчидан, иждодкор карантин даврида ўзининг амалии санъатига нимага қодир эканлигини билди. Мақсадини юзага чиқариш йўлида тинмай тер тўқди. Сабр-тоқатини синади. Майда-чўйда ташвишлар, иқир-қичирлардан устун турди. Иккинчидан, халқимиз бошига тушган пандемия, турли табиий офатлар синовидан ўтиш жараёнида талабаларга тўлиқ риоя этди. Ҳис-туйғулар, юрак даъватига қўлоқ тўтиб, қаламинини чеварлик игнасига алмаштирди. Натижада кўнгилга таскин ва завқ-шаъқ берувчи шодликка эришди.

Муҳими, иждодкор сифатида халқ ва жамият учун бефарқ эмаслиги, давр шамоллари унинг юрағида ҳам эсаётганини ҳис этиб, атроф-муҳит воқеаларига дахлдорлик бурчи билан яшади. Ойла аъзоларини ўз атрофига жипслаштириб, меҳнат орқали фарзандлари, маҳалла-қўйга ибрат намунасини кўрсатди. Карантиндан толиққан одамлар кўрса, кўзи қувонадиган, таҳликали даврлардан эсдалди бўлиб қоладиган, ҳаётини солнома яратилди.

Шунинг ўзи инсон учун улкан галаба эмасми?

ҳатлик, турли офатларга қарши курашда халқимиз аҳиллиги ёрқин рангларида тикилган қўшгуллар рамзида кўрсатилган. Улар ичига пойтахт Тошкент, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистоннинг барча вилоятлари номи ёзиб қўйилган. Халқимиз бошига тушган офатларни бартараф этишда инсон омили, айниқса, элимизнинг оғир дамлардаги ўзаро меҳр-



саховати, сабр-матонати, ҳомийлик ихлатлари муҳим ўрин тутётганлигига ҳам алоҳида ургу берилган. Каштанинг марказида "Қалб биргамиз" ёзувини тутиб турган келажак учун қайғуровчи мунис она ҳамда "Уйда қолин!" битигини кўрсатаётган бугуннинг асл қаҳрамонлари бўлган шифокор образи акс эттирилган.

Оддий бўлса-да, катта мақсад ва эзгу ниятлар ўз ифодасини толган мато иждодкор қўли, кўз нури ила аҳиб бир санъат намунасига айланган. Каш-

тани яратилган бош мақсад — коронавирус деган кўринмас офат устидан халқимиз эришадиган галаба завқини тезроқ туйиш, шу дамларни тантана қилишдир.

Ҳикоя қилаверсак, бу кашта ҳам бир ҳикоядан кам эмас экан. Яхшиси, уни ўзингиз қўриб, завқланиб, бирор хулосага келарсиз. Нима бўлганда ҳам инсонини эзгу мақсад, меҳнати, эътиқоди юксакка кўтарди. Бугунги коронавирусли кунлар — карантин даврида ҳам халқимиз ҳар доимгидек, ҳамжихатлик, сабр-матонат билан кўринмас ёвга қарши мардона курашиб, юксак мақсадлар сари интилишяпти.

Иждодкорлар ҳам бундай эзгу амаллардан четда турган эмас. Улар умр дамлари, ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари, бугунинг қаҳрамонлари сиймосини фақат шеър, ҳикоя ҳамда қизиқарли қиссаларидагина эмас, инсонларга олам-олам завқ бағишловчи барча санъат намуналари орқали ифода этишга интилишяпти.

Оқдарёнинг чекка бир қишлоғида тикилган кашта — асар юксак эътирофга молик бўлмаса-да, карантин "камали"дан чиқша бел болган юртдошларимизга яқши қайфият ва тетик рўҳият бахш этиши, бугунги кунлардан хотира бўлиб қолишига ишонамиз.

Тошпўлат ТУҒАЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиса Самарқанд вилояти бўлими раҳбари, шоир.

Жиноятга жазо муқаррар

Жиноят — одамлар ҳавфсизлигига путур етказувчи муҳим ҳодиса. Унга қарши курашишда самарали тизим йўлга қўйилиши эса нафақат жиноятларга қарши курашиш, балки унинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Ёшликнинг ҳам уволи бор

...Суд залида ҳукм ўқилди: "Судланувчи Захаров Роман Савельевич (исми-шарифи ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси, 2-қисми, "а" банди ҳамда 57-моддасини қўллаб, унга нисбатан бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазо манзил колониясида ўталсин".

Судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинди. Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддасига асосан, озодликдан маҳрум қилиш муассасасида мажбурий даволаниш чораси белгиланди. Ашёвий далил — Сирдарё вилояти ДХХ бошқармасида сақланган 300 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси ва 596 грамм масло каннабис гиёҳвандлик моддаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинсин, дея яқунланди ҳукм матни.

...У ўғрилиқ содир қилиб, биринчи бор суд қорисига ўтирганида 15 ёшда эди. Шундан кейин ҳам кетма-кет жиноят содир этаверди, оқибат эса ўша-ўша қамоқхона. Хуллас, умрининг энг гуллаган пайтини панжара ортида ўтказди. Мана, ўттиз етти ёшида яна ўша тарафларга равона бўлди. Эсиз ёшлик, эсиз умр...

2020 йил 24 январь кунги тезкор маълумотга кўра, Сирдарё вилояти ИИБ ЖКБ, Транспорт-да ХТБ ЖКБ ходимлари, Сирдарё тумани ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда Роман Захаровнинг яшаш хонадонини кўздан кечирилганида 2 донга оқ рангли полиэтилен пакетга солинган, қовурилган ҳолатдаги

ўзига хос ҳидга эга, оғирлиги тахминан 10 — 12 грамм бўлган модда, шунингдек, бир донга кичик ҳажмдаги шиша идишда ва бир донга чинни чашкада ўзига хос ҳидга эга модда топилган. Бундан ташқари, сочқикка ўралган куруқ ҳолатдаги яшил, сариқ рангли, оғирлиги тахминан 40 — 45 грамм бўлган модда, қора полиэтилен пакетга ўралган куруқ ҳолатдаги 60 — 65 грамм булган модда, шунингдек, 7 литрлик қозон ичида қовурилган моддалар борлиги аниқланиб, улар ҳолислар иштирокида хужжатлаштирилиб, далилий ашё тартиқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, унинг ошхонасида таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган "марихуана" деб аталган, соф оғирлиги 245 грамм модда топилган.

Роман уйдига 506,48 граммли каннабисни қўлбола усулда ёгда тайёрлаган. Ёғсимон массанинг 157,01 граммни каннабис мойи, 319,08 граммни эса марихуана ташкил этган.

Шундай қилиб, Р. Захаров ўзининг жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этган. Суд мажлисида судланувчи тартиқасида сўроқ қилинганда, у айбига тўлиқ иқроқ бўлди.

Хуллас, жиноят содир бўлган, уни ортга қайтартириш ёки ўттириш имконсиз. Жиноят эса жазосини олди.

Бехоз ОАЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи.

Электрон кутубxonанинг имкониятлари кенг

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Кейинги йилларда ушбу хайрли аънава янада теран маъно-мазмун билан бойиди. Мамлакатимиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари янгидан бунёд этилди.

Қўлайлик

2019 йил 7 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент қарори халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, китобхонлик маданиятининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга кўтариш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарор ижроси доирасида Маҳмуд Замаҳшарий номидаги

Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ташкил этиш, ахборот етказиш сифатини яхшилаш, аҳолини китоб мутолаасига жалб қилиш мақсадида хайрли ишларга қўл урилмоқда.

80 йилдан зиёд вақт мобайлида аҳолига зиё улашиб келаётган ушбу маърифат маскани бугун бутунлай янгича қиёфада. Марказ биноси давлат инвестиция дастури асосида реконструкция қилиниши натижаси-

да ахборот-кутубхона хизмати-дан фойдаланувчилар учун қатор қўлайликлар яратилди. Қарийб 600 мингга яқин китоблар, 2 мингдан зиёд кўлёмза ва қадимий асарлар фондига эга марказда "Book-kafe" ҳамда "Китоб олами" савдо дўкони, Wi-Fi худуди мавжуд. Маскан йилига 100 мингдан ортқ китобхонларнинг эҳтиёжини қондириш имкониятига эга. Бундай замонавий шароитлар яратилгани китобхонлар сафи кенгайишига хизмат қилаётир. Масалан, ўтган йили марказ хизматида 23 минг китобхон фойдаланган бўлса, электрон кутубхона 7,5 мингга яқин кишиларга хизмат кўрсатди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси марказга 200 миллион сўмлик янги жиҳозлар ва китоблар етказиб берди. "Қувончбек —

Машхура" масъулияти чекланган жамияти эса жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланган ноёб кўлёмзаларнинг аслига яқинлаштирилган нусхаларини яратиб, кутубхонага тақдим этди.

— Ҳаётимизнинг барча жабҳасида кенг қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари кутубхона фойдаланувчилари учун ҳам беқиёс имкониятлар яратмоқда, — дейди Маҳмуд Замаҳшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Раҳимбой Қурбонов. — Эндиликда электрон шаклга ўтказилаётган китоблар жамламасини китобхон масофадан туриб ҳам қийналмай топиши ва мутолаа қилиши мумкин. Ахборот-кутубхона марказининг веб-саҳифасида виртуал кўргазмалар, мулоқот клублари ташкил этилган

ни эса одамларда китоб билан янада яқин дўст тутинишга интилишини оширмоқда. Шунингдек, марказда давлатини раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг тўртинчи йўналиши, яъни китоб мутолааси ва китобхонлик тарғиботи борасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисининг вилоят бўлими, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан турли фестиваллар, қурик-танловлар, янги асарлар тақдими ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар ёшларнинг илм-маърифатга интилишини рағбатлантириб, юртимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Одидбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Мен қатъий аминман: афгон халқиди ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Афғонистонлик талабалар Ўзбекистонда нималарни ўрганишмоқда?

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга. Икки мамлакат халқини яқин қўшнчилик ва азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Ана шу жиҳатлар кўплаб масалалар бўйича яқин мулоқотни давом эттириш имконини беради. Бугунги ҳамкорлик юксак руҳда олиб борилмоқда. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги ташаббусларида, ушбу мамлакатда кўплаб иқтисодий лойиҳаларни амалга ошираётганида намоён бўлаётди.

## Ўзбекистонда нималарни ўрганишмоқда?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Афғонистондаги қуроли қарама-қаршилик ва зуравонлик шароитида бутун бир авлод вояга етди. Лекин бу, айрим экспертлар андишасизларна таъкидлаётганидек, “бой берилган авлод” эмас. Улар уруш, муқоимчилик қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзaro низолабга чек қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ҳамда фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатда қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Дарҳақиқат, ўзбек ҳамда афгон халқлари азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб келган қардош ва биродарлардир. Уларни ўзaro ўқшаш тиллар, умумий муқаддас дин, муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб туради. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ, ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари айтганидек, Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоян Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир.

## Йигирма вилоятдан ҳам вакиллар бор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 сентябрь куни Остонада

Ислон ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Афғонистон Ислон Республикаси Президенти билан учрашув ўтказганди. Икки томонлама музокаралар давомида ўзaro ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилган эди. Мазкур келишув иқтисодиёт вазирлари Маҳмадасиннинг 2017 йил 13 ноябрдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуринда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига асос солинди.

Муассасанинг умумий ер майдони 6,5 гектар. Бу ерда 750 ўринли ўқув биноси, 150 ўринли китоби, 220 ўринли ёзги ошхона, 400 ўринли талабalar турархона ва замонавий ўйин-гоҳлар мавжуд. Шунингдек, фаоллар зали, 5 та маъруза, 4 та информатика, битта лингафон хонаси, физика, кимё, темир йўл, автомобиль йўли, тиббиёт ўқув-лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, ҳаммом, кир ювиш биноси ва катта спорт мажмуаси талабалар ихтиёрида.

Хозир бу ерда 172 нафар талаба таҳсил олмақда. Улар Афғонистон Ислон Республикасининг 20 та вилоятдан келган вакиллар. Шундан 119 нафари ўзбек тили ва адабиёти, 18 нафари олий тоифали ҳамширалик иши, 35 нафари ер усти транспорт тизимла-

ри ва уларнинг эксплуатацияси таълим йўналишлари бўйича таҳсил олишяпти. Шунингдек, марказда афғонистонлик мутахассислар малака оширса ҳам бўлади. Бунинг учун бир қатор ўқув курслари очилляпти. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалигига доир ҳамда Германиянинг “GIZ” лойиҳалари бўйича ҳозиргача қўшни республиканинг ҳуқуқшунос кадрлари билим ва кўникмаларини муштажамлаб қайтишди.

## Камолотга фақат илм билан эришилмайди

Албатта, таълим — бирламчи масала. Аммо ёш авлод камолоти илм билангина белгиланмайди. Маънавий юксалишида ҳикмат кўп. Бунга эришиш учун, аввало, йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш зарур. Айни шу ўринда иходий тўғарак-



ларнинг аҳамияти яққолроқ намоён бўлади. Марказда буларнинг барчаси ҳисобга олинган.

Муассасада дарсдан ташқари ўқазилмаётган машғулотларда нотўқил, журналистика, дастурчилик, тасвирий ва халқ амалий санъати, спорт ҳамда тадбиркорлик сирлари ўргатиляпти. Бундан ташқари, фан тўғараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Муҳими, амалий натижалар кўзга ташланмоқда. Тўғаракларнинг фаол аъзолари туман, вилоят ҳамда республика миқёсида уюштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, фан, санъат, маданият ва спорт танловларида фаол иштирок этишаётир.

Масалан, талабаларининг Навоий вилоятига бўлиб ўтган “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивалида “Энг яхши фольклор қўшиқ ижрочилари” номинацияси бўйича 1 даражали диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари, “Ёшлар — келажак бунёдкори”, “Дўппи”, “Онлайн журналист”, “Юксак маънавиятли авлод”, “Нафосат”, “Ташаббус” каби танловлар,

халқаро конференция ва фестивалларда вакилларини фахрли ўринларни қўлдан бой беришаётгани йўқ. Вилоятдаги олтин олий таълим муассасаси ўртасида ўтказилган “КВЗ”, “Жануб зукколари” телебеллашувида ҳам марказимиз жамоаси голибликка эришди.

## Беш талабага бир мураббий

Таълимда интерфаол усуллар кўп. Илғор педагогик технологиялар ҳам талайгина. Марказимизда буларнинг ҳар бири алоҳида эътиборда. Масалан, ҳозир ҳар 5 нафар талабага 1 нафар устоз-мураббий бириктирилган. Бу орқали ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш имкониятлари кенгаймоқда. Ўз навбатида, талабаларнинг ҳам таълим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқи ошиб бораётир.

Бугун иланишидан тўхтаган ривож-

ланишдан ортда қолади. Чунки глобаллашув шароитида янгиланишлар шиддатли тез. Шу боис таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда халқаро тажриба ва амалиётни ҳамisha ўрганиб бориш зарур. Марказимиз мисолида айтсак, ҳозир дунёнинг етакчи мамлакатлари ўқув юртлири билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Бунинг учун БМТ, Европа Иттифоқи вакиллари, қолаверса, АКШ, Россия, Германия, Словакия, Хитой, Корея Республикаси, Буюк Британия, Швеция қироллиги, Япония, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари билан ҳамкорликни муостаҳкамлаб бораёмиз. Кўзланган мақсад аниқ: жаҳон андозларига мос рақобатдош кадрлар тайёрлаш, ён кўшни — жон қўшнимиз Афғонистоннинг тараққиётига муносабатли ҳисса қўшиш.

Албатта, эришилган натижаларга махлиё бўлиб қолиш ярамайди. Мажнуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш жоиз.

Хўш, келгусида марказ фаолиятини янада ривожлантириш учун нима-



## Ойбек РЎЗИЕВ, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази директори.

ларга эътибор қаратиш, салоҳияти мизни кўпроқ қайси жабҳаларга йўналтириш мумкин? Қуйида бу борадаги тақлиф ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Тарғибот ярим муваффақият, дегани. Афсуски, бу йўналишда ишларимиз суст. Фаолиятимиз Афғонистон фуқароларини ўқитишга ихтисослаштирилган экан, демек, қўшни мамлакатда биз ҳажимизда янаям кўпроқ билишлари лозим. Бунда видеореоликлар, буклетлар тайёрлашга, онлайн мулоқотлар ўтказишга кўпроқ эътибор қаратишимиз шарт.

Боз устига, ҳозир қўшни мамлакатда салоҳиятли кадрларга эҳтиёж катта. Афғонистонлик талабалар биздан шунчаки назарий билимларни ўзлаштириб қайтмасин, балки ривожланган тармоқлар ва соҳаларда ишлаш кўникмасини ҳам пухта ўргансин. Афғонистон томонининг талабидан келиб чиқиб, аниқ, табиий, иқтисодий, спорт, мактабгача таълим йўналишларида хотин-қизларни ўқитишни йўлга қўйиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Улар учун марказимизда стоматология, педиатрия ҳамда ҳамширалик иши каби таълим йўналишлари очилса, нур устига ашло нур бўлар эди. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик, саёбат ва ички туризмни ривожлантириш ҳамда қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш даяр талаби. Бинобарин, Афғонистондаги олий ўқув юртлири билан ўқув ва илмий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Яна бир масала. Сурхондарё вилоятига афғон миллатига мансуб фуқаролар кўп. Шу боис ҳудудимизда Афғон миллий маданий марказини ташкил этиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, тўқувчилик, тасвирий ва халқ амалий санъати, касаначилик, кулолик, компьютер дастурчилиги, тил ўргатиш, ёнги автомобилари бошқариш, қандолатчилик каби қисқа мудатли махсус курслар ташкил этилишининг Афғонистон фуқароларига фойдаси катта бўлади.

Ойбек РЎЗИЕВ, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази директори.

Хўш, Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг адабий меросини авайлаб асраш ҳамда келажак авлодга етказиш нима учун керак?

Бу саволга ижодкорнинг асарларини ўқиб, ҳаёти билан танишибгина жавоб топиш мумкин.

Муқимий она Ватанимиз чор Россиясининг мустамлақасига айланганда, одамлар алам ва изтироблар исқанжасида яшаётган бир шароитда қалам тебратди. Бутун умрини ўз замонасининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жисман ҳамда руҳан эзилган халқнинг дардларини, орзу-умидларини шеър қилиб қуйиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратишга бағишляди. Унинг шеърларида, сатираларида, газалларида чин инсоний туйғулар улуғланади, ҳақиқатпарварлик, адолат, сабу қаноат, ҳамжихатлик, илмсеварлик, ҳур ва озода яшаш, эътиқодда собиқлик тарғиб этиляди.

Муассислари ислом оламидаги слохоткор гулардан, Европа илм-фани ютукларининг шиддат билан ўсиб боришидан таъсирланиб, миллатимиз ривожини унчун тараққий этишининг бирдан-бир йўли фақат илм ва маърифатда эканлигини яхши англаган ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш, ўзгартириш ҳамда янгиллашда матбуотни кучли ва тенгсиз бир восита деб билдилар. Шунинг учун ҳам журнал “Ал-Ислох” деб номланган эди.

Нигора РАҲИМЖОНОВА, ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Туйғу
Изҳор
Фидойилик инсонларга хос,
Ватан кенгликларин ардоқлаб сўйгай,
кучар дарё соҳилин кучгани каби,
Эртани ўйлаб, кундуз тинмайди,
Тунлар тишим йўқ.
Не тоғ, тафаккур оламида,
ҳар қадамда
яралгай кашфиёт,
яралгай Абадият.
Унинг онги,
шуури
заранг туяроқ,
тоғлар қаърига энар.
Вужуд-вужудига қуёшининг олтин нурлари шнар,
Парвози юксалар,
қўл берар юлдузларга.
Эртаси ёруғ, шубҳасиз.
У Ватан сарҳадлари аро елдириш шомидек еладур,
Қадамда боғлар гуллар тўлиқиб.
Ҳаёт уммонида асрларга кетгулик бинолар қалқир.
Адир этакларида шоувеллар бугдойзор,
Жўшиб қўйиш айтар сой.
Ҳориган ерларда балқир пахтазор,
теграсида сабо ишқ айлар изҳор.
Фидолар шахтида
само дарвозасига туташ кўприклар...
Ҳаяжонга чўмилар Дунё.
Ҳаяжонга чулганар Осмон,
Ҳаяжонга бурканар юрагим — Ўзбекистон!

Турсун АЛИ.

# Муқимий ҳаёти ва ижодига ёшларнинг қизиқиши ортмоқда

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиллар хиёбонига ташриф бурганда бу ерга ҳайкаллари ўрнатилган иходкорлар ҳаёти ва фаолиятини халқимиз, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича қатор тасвиялар берди.

## Маънавият

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, лирик шоир ҳамда забардаст ҳажвичи сифатида XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларидаги ўзбек миллий адабиётининг йирик намояндаси Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий ҳаёти, ижодини Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари ўртасида чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш белгилаб олинди. Шу мақсадда таълим муассасамизда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Унга кўра, ижодкорнинг ижоди ва фаолиятига бағишланган мавзулар фан дастурларига киритилиб, уларни талабаларнинг дарс машғулотлари ҳамда муस्ताқил таълим асосида ўзлаштиришларига кенг шароитлар яратилди.

Университетимиз профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари Адиллар хиёбонига келиб, шоир ёдгорлиги пойида карантин талабларига амал қилган ҳолда, қатор тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, китобхонлик кечалари ташкил этмоқда.

Хўш, Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг адабий меросини авайлаб асраш ҳамда келажак авлодга етказиш нима учун керак?

Бу саволга ижодкорнинг асарларини ўқиб, ҳаёти билан танишибгина жавоб топиш мумкин.

Муқимий она Ватанимиз чор Россиясининг мустамлақасига айланганда, одамлар алам ва изтироблар исқанжасида яшаётган бир шароитда қалам тебратди. Бутун умрини ўз замонасининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жисман ҳамда руҳан эзилган халқнинг дардларини, орзу-умидларини шеър қилиб қуйиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратишга бағишляди. Унинг шеърларида, сатираларида, газалларида чин инсоний туйғулар улуғланади, ҳақиқатпарварлик, адолат, сабу қаноат, ҳамжихатлик, илмсеварлик, ҳур ва озода яшаш, эътиқодда собиқлик тарғиб этиляди.

Айни чоғда Муқимийнинг адабий-маънавий меросини тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаралимоқда. Университетда Муқимий тарихи ва ижодига бағишланган марказ ташкил қилинган. Талабалар театр студиясида шоир фаолияти ҳамда унинг асарлари асосида драмалар саҳналаштириш ва республика таълим муассасаларида намойиш этиш, Муқимий ҳайкалига го-лограмма технологиясини қўллаш асосида тарихий шахсни гавдалантириш, “Саёбатнома: Муқимий изидан” оммабо лойиҳасини амалга ошириш, сайт-тимизда улуг юрдошимиз ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган алоҳида рўнқ остида интернет тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, ёш муқимийшунослар шеърини кечалари ва танловларини мунтазам ташкил қилиш, Муқимий асарларини девон шаклида чоп этиш бора-сидаги ишлар бунинг тасдиғидир.

Баҳождир ҲАСАНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

# Илм-маърифат тарғиботчисига айланган «Ал-Ислох» журналы кимлар томонидан нашр этилганди?

Илм, зиё тарқатувчи, халқнинг маънавий, сиёсий онгини ўстирувчи матбуотсиз бугунги кунимизни тасаввур этиш қийин, албатта. Зеро, у оммавий ахборот тўловчи, таҳлил қилувчи ва тарқатувчигина эмас, балки тарихни муҳрлагувчи восита вазифасини ҳам бажаради.

## Мозийдан садо

Яқин ўтмишга назар солар эканмиз, матбуот замон тарихи саҳифаларини биттувичи ишончли маҳбалардан бири бўлиб хизмат қилганига яна бир қарра амин бўламиз. Хусусан, миллат, миллий озодлик, миллий маданият учун кураш, дин ва Ватан ҳақидаги оташин мақолаларга тўла миллий матбуотимиз ўз даврида халқни гафлат уйқусидан уйғотиш, маърифат зиёси сари етаклашга интиланганини кўрамиз.

1906 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарларда катта меҳнат ва таъкибларга қарама-масдан бирин-кетин Мунавварқори Абдурашидов, Маъмулқўжа Бехбудий, Махмуджон Обидов, Убайдулла Асадуллахўжаев ҳамда бошқа маърифатпарвар жадиллар, тараққиётпарвар зиёлилар томонидан газеталар, жур-

наллар чоп этила бошланди. Зиёлиларимиз миллат юксалиши ва уйғониши учун, аввало, илм-маърифат эга-си, шу билан бирга, дунё воқеаларидан, ўз ижтимоий аҳоли ҳамда сиёсий янгилликлардан мунтазам хабардор бўлиши зарурлигини тушундилар. Улар матбуотда қолюқликка юз тутган эскича қарашларни қоралаб, жамият ва ҳатто халқнинг қарашларини ислоҳ этишни тарғиб қилдилар.

Ана шундай нашрлардан бири 1915 йил 14 январда Абдураҳмон Сайёх ва Мунавварқори Абдурашидов ҳамда бошқа маърифатпарварлар билан ташкил қилинган “Ал-Ислох” журналы эди. 1915 — 1918 йиллар Асадуллахўжаев ҳамда бошқа маърифатпарвар жадиллар, тараққиётпарвар зиёлилар томонидан газеталар, жур-

наллар чоп этила бошланди. Зиёлиларимиз миллат юксалиши ва уйғониши учун, аввало, илм-маърифат эга-си, шу билан бирга, дунё воқеаларидан, ўз ижтимоий аҳоли ҳамда сиёсий янгилликлардан мунтазам хабардор бўлиши зарурлигини тушундилар. Улар матбуотда қолюқликка юз тутган эскича қарашларни қоралаб, жамият ва ҳатто халқнинг қарашларини ислоҳ этишни тарғиб қилдилар.

кўзга кўринган уламолари, мудarris-лари, маърифатпарварлари, адиблари ўз мақолалари билан иштирок этиди. Мазкур материалларда дин, имон-этиқодни ҳимоя қилиш, шу билан бирга, диний ҳаётда ислохотлар ўтказиш лозимлиги ҳақидаги масалалар, таълим ва маориф мавзуси ўз аксини топанган эди. Хусусан, журнал саҳифаларидан ўрин олган диний-маърифий мавзудаги мақолаларда халқ ўз маслаҳат ҳамда эътиқодида собиқ туршига, турли ёт гоя ва қарашларга қарши чиқишга қақирилган. Мақола-ларда уламолар, маърифатпарвар зиёлилар орасидаги низолар, бўлинишлар ҳамда четдан кириб келган турли ноисломий ақида, эътиқод, хурофот ва бидъатлар масаласи акс этган, уларни ислоҳ қилиш кун тартибига қўйилган эди. Шу мақсадда журнал саҳифаларида халққа қарата: “Биз фикрда Абу Ханифа маърифатига, ақидада Мотурудий таълимотига амал қилсак”, дея хитоб қилинган.

Журналнинг девярли ҳар сониди халққа маърифат улашиш мақсадида хориждан келтирилган ҳамда янги нашр этилган маҳаллий тошбосма китоблар “Ислох кутубхонасида Қуръони карим, ҳадиси шарифдин, қадим осорлардин, жадид рисоғаларидан, ҳар фандин китоблар... арзон баҳода сотилур”, тарзида эълон қилиб борилган. Абдураҳмон Сайёхнинг ислом тарихини яқиндан билиш ва ўрганишга чорловчи асар ҳамда мақолалари диққатга сазовордир. Хусусан, журналда унинг “Тарихи Ислом”, “Тухфатул анам тарихи байт ул-Ҳаром”, “Тарихи изолат ул-ғайнан қиссатул Зулқарнайн”, “Танвир ул-аҳдоқ фи макарим ул-ахлоқ” каби мақолалари босилган. Унинг “Тухфат ул-анам тарихи байт ул-Ҳаром” асарига Макка мукарраманнинг тарихи, иқлими, ислом маърифати ва маданияти ривожиди турган ўрни масалаларига кенг тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга, Шарқ оламининг XX аср бошидаги қолюқлик гирдобига тушиши сабаблари ҳам очиб берилган. Қолюқликдан чиқиш учун илм олиш, фан-техниканинг сўнгги ютукларидан фойдаланиш лозимлиги асосий омиллардан бири эканлиги таъкидланган. Меҳро-шафқат, самимий муносабатлар, хушхўлқат каби сифатлар тараннум этилиб, ислом дини инсониятни гўзал хулқу одобга чорлаши муфассал баён қилинган. Хулоса ўрнида айтганда, журнал

осорлардин, жадид рисоғаларидан, ҳар фандин китоблар... арзон баҳода сотилур”, тарзида эълон қилиб борилган.

Абдураҳмон Сайёхнинг ислом тарихини яқиндан билиш ва ўрганишга чорловчи асар ҳамда мақолалари диққатга сазовордир. Хусусан, журналда унинг “Тарихи Ислом”, “Тухфатул анам тарихи байт ул-Ҳаром”, “Тарихи изолат ул-ғайнан қиссатул Зулқарнайн”, “Танвир ул-аҳдоқ фи макарим ул-ахлоқ” каби мақолалари босилган.

Унинг “Тухфат ул-анам тарихи байт ул-Ҳаром” асарига Макка мукарраманнинг тарихи, иқлими, ислом маърифати ва маданияти ривожиди турган ўрни масалаларига кенг тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга, Шарқ оламининг XX аср бошидаги қолюқлик гирдобига тушиши сабаблари ҳам очиб берилган. Қолюқликдан чиқиш учун илм олиш, фан-техниканинг сўнгги ютукларидан фойдаланиш лозимлиги асосий омиллардан бири эканлиги таъкидланган. Меҳро-шафқат, самимий муносабатлар, хушхўлқат каби сифатлар тараннум этилиб, ислом дини инсониятни гўзал хулқу одобга чорлаши муфассал баён қилинган. Хулоса ўрнида айтганда, журнал



Муассислари ислом оламидаги слохоткор гулардан, Европа илм-фани ютукларининг шиддат билан ўсиб боришидан таъсирланиб, миллатимиз ривожини унчун тараққий этишининг бирдан-бир йўли фақат илм ва маърифатда эканлигини яхши англаган ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш, ўзгартириш ҳамда янгиллашда матбуотни кучли ва тенгсиз бир восита деб билдилар. Шунинг учун ҳам журнал “Ал-Ислох” деб номланган эди.

Нигора РАҲИМЖОНОВА, ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғрма Г — 656. 44 487 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиков. Мусафхих — Ш. Машраббоев.
“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6